



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 6 сентябрь, № 182 (8805)

Жума

Сайтимида Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАО БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК БЎЙИЧА УЗОҚ МУДДАТЛИ ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ




Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куні БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюни қабул қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги нуфузли тармоқ тузилмаси раҳбари шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича халқаро форум доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди. Учрашув аввалида БМТнинг юқори мартабали вакили дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан нуфузли делегациялар иштирок этиётган форумни муваффақиятли ўтказишни қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига чуккур миннатдорлик билдирди. Сўнгра давомида Ўзбекистон ва ФАО ўртасидаги замонавий хавф-хатар ва

тахдидларга қарши самарали чора кўриш борасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Сўнгги йилларда амалий ҳамкорликда эришилган самарали натижалар мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, 2025 йилгача бўлган даврда ҳамкорлик бўйича мамлакат дастурини бажариш сифат кўрсаткичлари икки баробар яхшиланди. Ҳозирда 34 та лойиҳа фаол амалга оширилмоқда. Утган бир йил ичида дехқончилик, мактабларда овқатланиш, ветеринария, агрокимё ва бошқа соҳаларда 7 та янги лойиҳа ишга туширилди. Янги беш йиллик шериклик дасту-

рини тайёрлаш ва қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди. Агроекономика мажмуасини рақамлаштириш, илгор билим ва тажриба алмашиш, ер фонди унумдорлигини ошириш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, сўғориш тизимларини модернизация қилиш, замонавий кластерлар ва логистика марказларини ташкил этиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича истиқболли қўшма лойиҳа ва тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ глобал ва минтақавий вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ БИЛАН ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРАФДОРИ ЭКАНИНИ БИЛДИРДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куні Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Тяньцзинь шаҳри партия қўмитаси котиби Чэнь Миньэр бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси делегациясини қабул қилди.

Учрашув бошида Чэнь Миньэр давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Олий даражадаги келишувларга мувофиқ Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шерикликни, айниқса, фаол ҳудудлараро мулоқот доирасида янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Кейинги йилларда Ўзбекистон —

Хитой дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Тяньцзинь шаҳрининг етакчи компаниялари билан савдо, саноят, «яшил» энергетика, қурилиш ва инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳаларини

илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Инновациялар, таълим ва маданият соҳаларида алмашинув дастурларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Ўзбекистон ҳудудлари ва Тяньцзинь шаҳри ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА СОҲАСИДА АСОСИЙ ВАЗИФА — СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАННАРХНИ ТУШИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 сентябрь куні электротехника соҳасида ишлаб чиқариш, экспорт ва инвестиция ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда бу борада катта салоҳият бор. Сўнгги етти йилда соҳага 1 миллиард доллар инвестиция киритилган. Натижада 762 та корхона ишга туширилиб, 45 турдаги янги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Бунинг натижасида соҳадаги корхоналар томонидан бюджетга тушум 8 баробар ошган. Ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробар ўсган. Экспорт географияси сўнгги уч йилда 2 қарра ошиб, 62 та давлатга етди. Ишлаб чиқарилаётган 200 турдаги маҳсулотнинг 195 тури экспорт бўляпти. Умуман, электр техникалари экспорти 1 миллиард долларга етиб, тўқимачиликдан кейинги иккинчи маҳаллий саноат тармоғига айланди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва логистикадаги узалишлар, айланма маблағ ва таннарх билан боғлиқ масалалар бор. Ҳамма давлатлар ички бозорининг ҳимоясига киришган. Янги бозорларга кириш, борларини сақлаб қолиш ҳам қийин бўляпти. Бундай шароитда ягона йўлимиз — сифатни таъминлаш ва таннархни тушириш орқали маҳсулотимиз рақобатдошлигини ошириш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бунга тармоқдаги корхоналар бошини қувштириб, қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш орқали эришиш мумкин. Йиғилишда саноат тармоқлари мутасаддилари ва тадбиркорлар иштирокида шу борадаги имкониятлар таҳлил қилинди. Корхоналарда қайта ишлаш даражаси ва тармоқлараро кооперация камлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, автомобиль саноати учун талаб юқори бўлган кабеллар ишлаб чиқарувчи корхона 4 тагина ҳолос. Эки мис қувурларни композит изоляция қилиш йўлга қўйилса, қиймати ошадди. Шу боис бундан буён электро-

техника соҳасидаги технопарклар ёндош йўналишлардаги корхоналар билан саноат кооперацияси асосида ривожлантирилиши белгиланди. Бунинг учун Оҳангарон, Фарғона, Қарши ва Урганч шаҳарларидаги технопаркларда композит материаллар, металл ва пластмассага ишлов бериш, қолиплар ишлаб чиқариш, қадқлаш каби ёндош соҳа корхоналарига 10 гектаргача жой ажратилди. Бу йўналишдаги аниқ лойиҳалар учун тайёр бино қурилиб, саноат ипотекаси шартларида кредит ҳисобидан тадбиркорларга берилди. Ушбу корхоналарга электротехника корхоналари каби, мол-мулк ва фойда солиғидан 50 фоизгача имтиёз берилди. Сўнгги йилларда маиший техника йўналиши кенг ривожланди. Лекин биргина шу билан чегараланиб қолмаслик керак. Бугунги кунда энергетика, қурилиш, сув хўжалиги, автомобилсозликда электротехника маҳсулотларига талаб кун сайин ошиб бормоқда. Масалан, энергетика соҳасида 36 миллиард долларлик 27 гигаваат электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилляпти. Сув хўжалигида насосларни замонавий-сига алмаштириш, ичимлик суви тармоқларида ҳисоблагичлар ўрнатиш бўйича кўп режалар бор. Юртимизда йилига 100 мингта хонадонли кўп қаватли уйлар ҳамда 13 миллион квадрат нотурар бинолар қуриляпти. Уларга ҳам кабель, трансформатор, иситиш ва совитиш тизимлари, насос, лифт, кузатув воситалари керак. Шунга асосланиб давлат инвестиция дастурлари ва йирик лойиҳалар бўйича «маҳаллий контент»ни кўпайтириш бўйича топшириқ берилди. Бунинг учун тегишли вазирлик ва тармоқлар маҳаллий корхоналарга ўз талабини етказиши, маҳсулот сифатини яхшилаш ва стандартларга мос-

лаштиришга қўмаклашиши зарурлиги айтилди. Умуман, бу йил электротехника соҳасида ишлаб чиқаришни 40 триллион сўмга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди. Тармоқдаги яна бир масала қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ. Ҳозирда ташқи қарз ҳисобидан бўлаётган лойиҳалар учун четдан олиб келинаётган товарлар бундан озиб қилинган. Лекин шу лойиҳаларда қатнашаётган ўзимизнинг корхоналар қўшилган қиймат солиғи тўлаёпти. Оқибатда улар импорт товарлар билан нарх бўйича рақобат қила олмаяпти. Қайд этилганидек, энди халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларга етказиб берилган товарлар учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилди. Бу орқали электротехника ишлаб чиқарувчи корхоналаримизга қўшимча 250 миллион долларлик бозор бўлади. Шу ўринда давлатимиз раҳбари соҳа вакиллариға мурожаат қилиб, энди сифат ва рақобат устида ишлаш, халқаро сертификатларни олиш зарурлигини таъкидлади. Экспорт масалалари муҳокама қилинар экан, бошқа давлатларда йирик узеъли йиғишни ташкил этиб, уларга бутловчи қисм ва яримтайёр маҳсулотни ортқича йиғимларсиз етказиб бериш мумкинлиги айтилди. Жумладан, қўшни бозорларга технология, малакали мутахассис ва бутловчи қисмлар етказиб, Ўзбекистонни минтақавий «электротехника хаби»га айлантириш салоҳияти бор. Шу мақсадда миллий брендлар остида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни танитиш бўйича кўрсатмалар берилди. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси фақат йирик корхоналар билан чегараланмасдан, соҳадаги барча тадбиркор

билан яқиндан ишлаши муҳим. Шу боис унинг фаолияти тубдан ўзгартирилиши белгиланди. Хусусан, энди уюшма ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган товарларни аниқлайди, улар бўйича лойиҳа қилиб, тадбиркорларга беради. Соҳадаги стандартларни халқаро талабларга мослаб, корхоналарда жорий қилиш ва сертификат олишда қўмаклашади. Бошқа тармоқлардаги эҳтиёжни аниқлаб, уларнинг буюртмаларини электротехника корхоналарига етказди. Инженер-технолог ва ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш бўйича олийгоҳ ва техникумларга буюртма беради ҳамда ўқув дастурларини бирга ишлаб чиқади. Маҳаллий корхоналардаги истиқболли мутахассисларни хоржиш илгор компанияларга иш ўрганишга жўнатади. Ушмага янги аъзо бўлганлардан 2 йил, айланмаси 10 миллиард сўмдан кам корхоналардан эса умуман бадал олинмайди. Уларнинг маҳсулотлари «Элтех Лаб» лабораториясида бепул синовдан ўтказилади. Йиғилишда тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар бу йил 500 миллион долларлик 85 та лойиҳани ишга тушириш режалари бўйича ахборот берди. Давлатимиз раҳбари соҳадаги тадбиркорлар билан очик мулоқот қилди. Уларнинг муаммо ва тақлифлари асосида мутасаддиларга экспорт учун айланма маблағ миқдорини ошириш, саноат электротехникаси учун лизинг тизимини кенгайтириш, илмий тадқиқот ва конструкторлик тажрибаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулотларга устуворлик бериш, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар савдосини чеклаш ва бошқа масалалар бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА.

ҒОЛИБЛАР ҚАСИДАСИ

Паралимпия чемпионларига



ИФТИХОР
Ўзбекистон халқ шоири.

Эй, юртимнинг ёт элларда
ғолиб келган дилбандлари,
Парижни ҳам даст кўтариб
олиб келган дилбандлари.
Мен салгина шоирона
маҳобатга изн бердим,
Жаҳон кураш майдонига
сиздай ўғил-қизим бердим.
Неки десам ярашгайдир
бугун сизнинг шаънингизга,
Ватан шаъни турар ахир
ҳар жаҳду, ҳар жангнингизга.
Фарангистон фарангларин
лол айлаган лолаларим,
Эй сиз, меҳрим толаларим,
Эй сиз, меннинг болаларим.
Мен ҳам сизнинг ортингиздан
шеърлар айтиб чоғай дейман,
Бу дунёнинг кам-қўстларин
шеърим билан ёпай дейман.
Ғолиб бўлмақ бизнинг томир
қонимизда аънанадир,
Ёшлиқ ўзи кураш эрур,
ёшлиқ ўзи тантанадир.
Майли дунё, оку қора
кучлар икки тараф бўлсин,
Юрт шаънини кўтарувчи
фарзандларга шараф бўлсин!

Уйларимдан учирмалар
бўлиб кетган ўғил-қизим,
Менинг ёруғ юзим, менинг
бу дунёда қолар изим.
Шу навқирон, синовларга
тўлуғ шу ёш бошингизда,
Тақдир ўзи нотаовну
ночор қолмиш қошингизда.
Эй ёронлар, мен севиңнинг
олий дамларини кўрдим:
Кўзларига ёш қалқиган
давлат раҳбарини кўрдим.
Қизимдирсиз, боламдирсиз,
она тараф, ота тараф,
Миллат юкин миллат бўлиб
тортганларга бўлсин шараф!
Дилбандлар Ватаним деб
ор талашса ёт элларда,
Ору номус, Ватан номи
жўш ургай миллион дилларда.
Мен ҳам энди ҳар сатримни
зарбингизга мослаб қўшай,
Бор шеъримни пойингизга
пояндозлар қилиб тўшай.
Сизникидир шу жонажон
янги боғу янги бўстон,
Шу онажон Ўзбекистон,
шу отажон Ўзбекистон!
Қизимдирсиз, боламдирсиз,
она тараф, ота тараф,
Миллат юкин миллат бўлиб
тортганларга бўлсин шараф!

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Жонатан Хеник билан учрашди.

Учрашув

Унда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўп томонлама алоқалар стратегик шериклик да-

ражасига кўтарилганлиги алоҳида таъкидланди.

Мулоқот давомида истиқболда ҳам савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат ишбилармонлари, айниқса, тadbirkor аёллар ўртасида доимий алоқаларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси давлат сиёсати даражасида кўтарилгани, бу борада салмоқли ишлар олиб борилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда барқарор инвестиция муҳитини янада яхшилаш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

СЕНАТОР КУЗАТУВЧИ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Хабарингиз бор, яқинда Озарбайжон Республикаси Миллий Межлисига навбатдан ташқари сайлов бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Юқори савияда ташкил этилган ҳамда ўтказилган мазкур тadbirkor давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлардан қабул қилинган кузатувчи сифатида қатнашди.

Мазкур сайловда Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо Ассамблеяси кузатувчилари миссияси таркибиде иштирок этиб, жараёнларни бевосита кузатиб борди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Хитой Коммунистик партияси Марказий кўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Тяньцзинь шаҳри партия кўмитаси котиби Чэнь Миньэр бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Мулоқотда делегация аъзоларига "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янги тахрирдаги Конституция нормаларини рўйбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, Чэнь Миньэр Ўзбекистон ва Хитой ўзаро дўстлик, биродарлик ва кенг қамровли шериклик асосида қурилган стратегик ҳамкорлар эканлиги таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар улкан натижалар бераётганини юқори баҳолади.

Худудлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳар томонлама фойдали эканлиги қайд этилди.

Учрашувда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар туфайли Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик муносабатлари ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилгани, жорий йилнинг январь ойида Пекинда ва июль ойида Остона шаҳрида давлат етакчилари томонидан ўтказилган музокараларда муҳим қилинган эришилган, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари белгилаб олингани таъкидланди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш учун барча имконият мавжудлиги қайд этилди. Худудлараро муно-

сабатларни ривожлантириш, "яшил" технологиялар, рақамлаштириш, шаҳар инфратузилмаси ва коммуникацияларини тақомиллаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш борасида сўз юритилди.

Шунингдек, Хитой делегацияси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Чэнь Миньэрнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда икки мамлакат ҳукуматлари, парламентлари, худудлари ўртасидаги алоқалар шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Меҳмон Хитой Коммунистик партияси 130 дан ортиқ мамлакатларнинг 170 дан зиёд сиёсий партиялари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг 5 та сиёсий партияси билан яқиндан алоқалар ўрнатганини, келгусида бу алоқаларни янада яхшилашдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Мулоқот давомида меҳмон жорий йилнинг 15 — 18 июль кунлари Пекинда Хитой Коммунистик партияси Марказий кўмитаси 20-чақириқ учинчи пленуми бўлиб ўтганлиги ва унинг доирасида миллий ўзига хослик тамойилларига асосланган ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришга қaratилган ХКП МҚнинг тегишли қарори маъқулланганини таъкидлади.

Учрашув якунида Хитой Коммунистик партияси ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар билан алоқаларни янада жадаллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Янги Ўзбекистон бугун нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки жаҳон миқёсида ҳам тadbirkorликни кенг ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда самарали давлат сиёсатини юритаётган мамлакат сифатида тўлиқ намойён бўлмоқда. Масалан, сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотда хусусий сектор улуши ортиб бормоқда ва тадбиркор аёлларнинг ҳиссаси ҳам яққол сезилапти.

Мушоҳада

Албатта, бу натижалар ўзидан бўлиб қолаётгани йўқ. Бунинг замирида, энг аввало, мустақам ҳуқуқий асос мўжасам. Агар эътибор берилса, охириги йилларда тadbirkorликни ривожлантиришга қaratилган 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шундан 10 дан зиёди хотин-қизлар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Хусусан, янги тахрирдаги Конституциянинг 42-моддасида ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилуш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши тўғрисидаги янги норма киритилди.

Ана шу ҳуқуқий янгиланиш натижасида қуйидаги қадамлар ташланди:

● 2022 йил сентябрь ойидан бошлаб хусусий корхоналар ва ташкилотларда камида 6 ой ишлаган хотин-қизлар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси — "декрет пули"ни давлат томонидан молиялаштириш йўлга қўйилди;

● хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ банки АТБ тизимида, аввало, Аёллар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш департаменти ташкил этилди. Банкнинг 14 та худудий ва 177 та туман (шаҳар) филиалларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқарувчи ўринбосар лавозимлари жорий қилинди.

● Ёдингизда бўлса, 2022 йилдан бошлаб тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган аёлларга ажратилган субсидиялар миқдори 7 млн. сўмдан 10 млн. сўмга оширилди. Қолаверса, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб оилавий тadbirkorликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга 100 млн. сўмгача гаровсиз кредит ажратиладиган бўлди.

● Агар айни пайтда меҳнат бозорини гендер нуқтаи назаридан ёки иқтисодий фаол эркаклар ва хотин-қизлар нисбати бўйича таҳлил қилсак, улар бу соҳада деярли тенг иштирок этапти, деган хулосага келиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатда иқтисодий фаол аҳоли 15 млн.дан зиёд бўлиб, бунда аёллар улуши 48 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан далолатдир.

● Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "маҳалла еттилиги"



жорий этилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди. Бугун хотин-қизларга тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан то ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган жараёнларда ҳоким ёрдамчилари ва хотин-қизлар фаоллари кўмаги катта бўлмоқда. Айни чоғда хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан "маҳалла еттилиги"нинг бамаслаҳат қарорлари асосида 64 турдаги ижтимоий ёрдам ва субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди.

● Яна бир мисол: бугунги кунда мавжуд 417 мингдан ортиқ кичик ва ўрта тadbirkorлик субъектларининг қарийб 42 мингтасида хотин-қизлар раҳбарлик қилапти. Фаолият кўрсатаётган 243 мингга яқин яқка тартибдаги тadbirkorларнинг эса 140 мингдан ошиғи хотин-қизлардан иборат.

● Маълумки, тadbirkorликни изчил йўлга қўйиш катта сармоя талаб этади. Ҳўш, бизда ушбу масала қандай ҳал қилинган? Бу саволга жавоб тариқасида бугун тadbirkorлик фаолиятини бошламоқчи бўлган опа-сингилларимиз учун барча молиявий имкони-

ятлар етарли, десак, асло му-болага бўлмайди. Гап шундаки, "Лойиҳалар фабрикаси" электрон плат-формаси орқали 250 дан ортиқ намунавий бизнес лойиҳалар йўлга қўйилди. Ушбу платформа орқали онлайн кредит олиш учун арiza бериш ҳам мумкин.

Айни чоғда Халқ банки, "Микрокредитбанк", Бизнес ривожлантириш банки тизимида қуйидаги лойиҳалар орқали кредит бериш амалга оширилмоқда:

- "Ҳар бир оила — тadbirkor";
- "Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва шахсий томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш";
- "Хунармандчиликни ривожлантириш";
- "Аёллар дафтери"га киритилган аёлларни қўллаб-қувватлаш";
- "Бизнесга биринчи қадам".

● Шунингдек, тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларга 33 млн. сўм миқдориде гаровсиз кредит бериш жорий этилишини ҳам муҳим қадамлардан бири сифатида келтириш мумкин.

● Умуман олганда, сўнгги уч йилда банклар томонидан 548 минг 380 нафар хотин-қизга 10 трлн. 311 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилган.

● Табиийки, бугунги шиддат-

Айтиш мумкинки, Тadbirkorлик кодекси аёллар тadbirkorлигини янада кенгайтириш ва пировардида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини сезиларли даражада юксалтиришда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, дунё бўйича мураккаблашиб бораётган геосиёсий вазиятга қарамадан Ўзбекистонда кенг қўламли ва изчил ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга йўл очиб бермоқда. Хусусан, 2024 йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 6,4 фоизга ошганлиги бунинг ёқин далилидир. Бундай ижобий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳасида ҳам кузатилди. Яъни бозор хизматлари — 12,9, саноат ишлаб чиқариш — 7,8, қурилиш ишлари — 10,1 ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,8 фоизга ошди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 229,3 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 36,6 фоиз ўсганига алоҳида эътибор қaratилди. Аҳолининг реал даромадлари

8,6 фоиз ошиб, инфляция даражасидан (5,2 фоиз) юқори бўлганлиги аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати натижасида ҳамкор давлатлар билан иқтисодий алоқалар янада мустақамланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ташқи савдо айланмаси 31,8 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2,6 млрд. долларга ошганлиги шундан далолат бермоқда.

Тadbirkorликни қўллаб-қувватлашга қaratилган тизимли ислохотлар натижасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тadbirkorлик субъектлари сони ўтган йилдагига нисбатан қарийб 21,5 мингга ошиб, 833 мингга етган. Фойда ва қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 26,6 фоиз ўсган.

Мажлисида депутатлар Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш йўлида эришилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, ҳамкор давлатлар раҳбарлари, рейтинг ташкилотлари, йирик инвесторлар томонидан эътироф қилинаётганлигини қайд этишди.

Халқ вакиллари таъкидлаганидек, Президентимиз томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар, Уйчи, Сайхунобод, Зарбдор, Гиждувон тажрибалари жойларда кенг жорий қилинаётгани, ҳар бир худуд имкониятларидан келиб чиқиб, мастер-режалар ишлаб чиқилганлиги ва шу асосда тизимли ишлар олиб борилаётганлиги барча соҳада эришилаётган ютуқларга асос бўлмоқда.

Қайд этилганидек, 2024 йил биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари 121 трлн. сўмга етиб, 2023 йилнинг мос давридагига нисбатан 18,3 фоиз ошган ва солиқ турлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилган. Давлат бюджети даромадлари таркибиде бевосита солиқлар 33,3, билвосита солиқлар 33,1, ресурс солиқлари 14,2 ва бошқа даромадлар 19,5 фоизни ташкил қилган.

Давлат бюджетининг харажатлари ҳисобот даврида 149,8 трлн. сўмга етиб, 2023 йилнинг мос давридагига нисбатан 16 фоиз ўсган.

Аҳолини сифатли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш борасидаги тизимли ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Давлат бюджетидан ажратилган харажатларнинг 49,5 фоизи ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Бу эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 14 фоиз кўп маблағ эканлигини англатади.

Тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил биринчи ярим



йилликда қўшилган қиймат солиғидан манфий фарқи қоплаш учун солиқ тўловчиларга 14,2 трлн. сўм миқдориде, 2023 йилнинг мос давридагига нисбатан 3,4 трлн. сўм кўп қўшилган қиймат солиғи суммалари қайтариб берилди.

Муҳокама чоғида депутатлар "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 2024 йил биринчи мавсуми доирасида овоз бериш босқичига ўтказилган жами 29 мингта лойиҳага 3,3 трлн. сўм йўналтирилганлигини алоҳида эътироф этилди.

Депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бирга, Давлат бюджетиде давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини айтиб ўтишди.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари айрим вазирилик ва идоралар томонидан Давлат бюджетиде харажатлари учун ажратилган маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлик ҳолатларига эътибор қaratиб, республика бюджетидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун

капитал қўйилmalarига ажратилган маблағларни ўзлаштиришда сусткашликларга йўл қўйилаётганлигини танқидий баҳолади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг натижадорлигига эътибор қaratиб, ички аудит тadbirkorлиги давомида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва шатлар жадвали тузилишини ўрганиш натижасида самарасиз харажатлар аниқланганлигини танқид қилди.

Мажлисида "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантириш, харажатлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қaratди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти маҳаллий бюджетлари харажатларининг ижроси тўлиқ таъминланмаганлигига эътироз билдирилди.

Муҳокама давомида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан тadbirkorларга тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида давлат харидлари

бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишни камайтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Ўзбекистон Экология партияси фракцияси аъзолари айрим вилоятларда сув иншоотларини тортиш ишларида сусткашликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, ажратилган субсидияларнинг ишлатилишида натижадорлик етарли даражада эмаслиги, иссиқлик таъминоти ва коммунал хизмат тизимидаги камчиликларга эътибор қaratиб, ўз муносабатларини билдирди.

Депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини қучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг Давлат бюджетиде давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йил биринчи ярмидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Янги Ўзбекистон ёшлари

ХАР СОҲАДА ИЛҒОР, САЛОҲИЯТЛИ ВА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧНИ ОКЛАШГА ҚОДИР

Мустақиллик ёш қалбларга умид нафасини олиб кирди, жавдираб турган кўзлар оташин нигоҳларга айланди, чўккан елкалар ишончдан кўтарилди, бир сўз билан айтганда, навқирон авлод вакиллари учун кенг имконият эшиклари очилди. Асосийси, улар ҳам бу эзгу ишдан тўлқинланиб, олдига янги мақсад ва орзулар қўйди, “ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат” шioriга айланди.

Мустақиллик — тақдиримизда

Бугун мамлакатимизнинг иқтидорли, илмли, ўзига ишончи банд ўғил-қизлари нималарга қодирлигини бутун дунёга исботлашяпти. Уларнинг ютуқлари, қуяётган зафарлари, жаҳон ҳам-жамияти олдига юртимиз обрўси ошаётгани барчамизни хурсанд қилаётди.

Юртимизнинг бундай ёш қаҳрамонлари нафақат спорт, балки таълим, маданият ва санъат соҳасида ҳам кўп. Биргина 2023/2024 ўқув йилида 42 нафар ўқувчимиз халқаро фан олимпиадаларида 5 та олтин, 12 та кумуш, 25 та бронза медалини қўлга киритди. Маданият ва санъат соҳасида 8 мингдан ортиқ ёшлар нуфузли хорижий танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Улғу ва азиз шодиёна — Истиклолнинг 33 йиллиги арафасида Парижда бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларимиз 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритиб, дунёда 13-, Осиёда 4-, МДХ ва туркий давлатлар орасида 1-ўринни эгаллади. Уч нафар спортчимиз икки карра Олимпия чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Бундан фахрланмай, қувонмай бўладими?

Албатта, бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъод ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда сўнгги етти йил катта ўсиш даври бўлди. Ўтган йиллар мобайнида ёшларга оид 100 дан зиёд қонун ва қарорлар қабул



қилиниб, 200 дан ортиқ имтиёзлар ажратилди. Бу билан чекланиб қолинмайпти, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшларига қаратилаётган бундай эътибор ва шарафларни қаррасига кўпайтириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурмоқда. Қисқача айтганда, келажак авлодга ҳуқуқий қаролатиларни яратишдан тўтиб, сифатли билим олиши, касб-хўнар эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, шахс сифатида камол топиши, меҳнат қилиб, фаровон келажакни бунёд этиши учун барча имконият яратиб берилмоқда. Булар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини

топган. Ушбу муҳим ҳужжатнинг “Хар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” деб номланган 44 банддан иборат биринчи йўналишининг 25 дан ортиғи бевосита ёшлар манфаатларига қаратилгани ҳам сўзимиз исботидир. Йигит-қизларнинг ҳаёт қийинчиликлари, келажак мақсадлари йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишига ҳар биримиз яқдил ва ҳамжихатликда ҳаракат қилсаккина истаган мақсадимизга ета оламиз. Шу ниятда Президентимиз ташаббуси билан энг аввало, ишсиз, давлат кўмагига муҳтож 120 мингдан ортиқ ёшлар ҳар бир вазири ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ҳамда шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилди. Бу ҳам мамлакатимизда ҳеч бир ёш давлат эътиборидан четда эмаслигини аниқлатади.

Навқирон авлод қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик қучли бўлади. Шу боис ёшларнинг бундай вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этишга давлат сиёсати даражасида эътибор

қаратилмоқда. Бугунги кунда ҳудудларда уларнинг бундай вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида жами кўнгилолар объектлари, “Ёшлар сайилгоҳлари” ва “Ёшлар ижод кўчалари”да турли танлов ва мусобақалар уюштирилиб, миллионлаб йигит-қизлар камраб олинаётди.

Биласиз, ёшларга оид давлат сиёсати ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, у изчил ва ҳаётий ислохотлар, давр талаби ҳамда мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориладиган узулсиз жараёндир. Бу борада давлатимиз раҳбари жорий йил Ёшлар куни арафасида ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, бу авлод билан ишлаш борасида бир қатор янги ташаббусларни илгари сурганди. Шунга мувофиқ, Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жағма-маси томонидан ёшларнинг энг яхши 500 та лойиҳаси таллаб олинди, уларга “бизнес-пакет” қилиб берилди. Шунингдек, лойиҳани тайёр бизнесга айлантириб, даромад келтиришга бўлган барча жараёнда кўмаклашадиган тизим яратилмоқда. Худудий ҳокимликлар билан биргаликда 14 та туман таллаб олинди, “тўртинчи сано-

ат” касбларига ўқитиш марказлари очилди.

Қувонарлиси, Ўзбекистонда ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда. Ўтган йили Ёшлар тараққиёти индексида кўра юртимиз ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири, деб эътироф этилгани бунинг яққол исботидир. Шунингдек, БМТ томонидан “Ёшлар стратегияси — 2030”ни намунавий тарзда амалга ошириш бўйича таллаб олинган 10 та мамлакатдан бири ҳам айнан бизнинг дийдорим.

Дарҳақиқат, бугун жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи навқирон авлодга юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қаралмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Жонажон Ватанимизга меҳр ва садоқат билан яшаётган, илм-фан ва касб-хўнарларни пуқта эгаллаб, ҳозирги мураккаб замондаги кескин рақобатга тайёр бўлиб вояга етаётган ёшларимиз ҳар қандай банд марафони эгаллашга қодир”.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори.

ШЕРЗОД НОМОЗОВ — ИККИ КАРРА ПАРАЛИМПИА ЯЎИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ

Париж шаҳри мезбонлик қилаётган ёзги Паралимпия ўйинларида пара дзюдочиларимиз ҳам терма жамоамиз учун қимматли медалларни тақдим қилишни бошлади.

«ПАРИЖ — 2024»

Мусобақанинг “J2” классида 60 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган дзюдочимиз Шерзод Номозов финалда грузиялик рақиб Зураб Зурбабяндан устун келди ва Паралимпия ўйинларининг икки карра чемпионига айланди. Париж ареналарида мадҳиямиз янгради ҳамда юртимиз байроғи энг бандда ҳилпиради.



Ўзбекистон делегациясидаги медаллар сони ҳозирча 16 тага етди. Паралимпиячиларимиз ҳисобида 7 та олтин, 5 та кумуш, 4 та бронза медали мавжуд.

МУНДИАЛГА САРАЛАШ БОСҚИЧНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИК

Футбол бўйича “Жаҳон чемпионати — 2026” ҳал қилувчи 3-саралаш bosқичи ўйинларига старт берилди. Мусобақанинг “А” гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки турда ХХДРга қарши майдонга тушди.

Футбол

Тошкент шаҳридаги “Бунёдкор” стадионида 24 мингдан ортиқ томошабинлар қаршисида бўлиб ўтган учрашувнинг 20-дақиқасида Жалолиддин Машарипов томонидан киритилган гол миллий терма жамоамизга 1:0 ҳисобида ғалаба келтирди. Учрашувнинг 40-дақиқасида Одил Ҳамроевнинг кўполлигидан сўнг дарвозамиз томон 11 метрлик жарима зарбаси белгиланди. Корейс футболчиси эса пенальтидан унумли фойдалана олмади, дарвозабонимиз Уткир Юсупов маҳоратини кўрсатиб, тўпни эгаллаб олишга мўяссар бўлди. Шу тариқа миллий терма жамоамиз саралаш



босқичини муҳим ғалаба билан бошлаб олди. Энди футболчиларимиз 10 сентябрь кuni 2-тур бахсларида қўшни Қирғизистон миллий терма жамоасига қарши саф тортади.

Элёр ҲАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи»).

МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА: ОНЛАЙН ТУЗОҚДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Инсон табиати шунақа: бирданга бойиб кетишни, энг қиммат автоулов миниб, даңгиллама ҳовлида яшашни, чиройли кийиниб, яхши еб-ичишни орзу қилади. Тарихдан маълум, бу истак олтин топиш илинжида кимларнидир ўз ҳаётини гаровга қўйиб, ҳали яхши ўрганилмаган океанорти ерларига етаклаган бўлса, айримлар таваккалчилик ўйинлари ишқибозига айланган, баъзилар эса қиморга берилиб бор-будидан ажралган.

Огоҳлик

Ҳаммамиз севиб томоша қилдиган “Ахойиб ҳаёипараст” фильми қаҳрамонининг фикру хаёли ҳам тез фурсатда бойиб кетиш бўлиб, фақат у бу мақсадга меҳнати орқали, тадбиркорлиги эвазига етишга ҳаракат қилади.

Афсуски, бугун осмондан чалпақ ёишига ишонадиганлар меҳнатсиз мўмай даромад топишни ният қилиб, пировадидида фирибгарлар тузоғига илнмоқда. Замонавий дунёда одамларни “чув” туширишнинг жуда кўп йўллари ишлаб чиқилмоқда. Катта ва ўрта авлод вакиллари Сергей Мавродиннинг ўтган асрнинг 90-йилларида кенг тарқалган “МММ” деб аталувчи молиявий пирамидасини яхши эслади. Ушанда бу молиявий ўпқон ўн минглаб одамларнинг маблағларини ўз домига тортиб кетган эди. Ёки “Ахмадбой иши” доирасида ҳам қанча фуқароларимиз йиққан-терганидан бир кунда мосуво бўлишди. Бугунги кунда интернет тармоқлари ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида фирибгарлар ҳам ўз иш услубларини ўзгартираётгани бор гап. Маблағингизни маълум муддатда бир неча

баробар кўпайтириб беришни катта иштиёқ билан тарғиб қилаётган турли электрон платформалар шулар жумласидан. Яқинда маҳалламизда шу пайтгача тинч-тотув яшаб келаётган, даромади ўртаҳол оилада қиёмат-қойим жанжал чиқиб, эр-хотинни мурсага келтириш учун икки тараф қудалар, маҳалла оқсоқоли ҳамда хотин-қизлар фаоли анча овора бўлишди. Аниқланишича, оила бекаси фарзандининг олий ўқув юртида тахсил олиши учун турмуш ўртоғи маошидан орттириб йиғиб юрган маблағни эридан яширинча ана шундай молиявий пирамидалардан бирига тикиб юборган. Платформа кутилмаганда фаолиятини тўхтатган, қизининг шартнома тўлови учун тўплаб қўйилган маблағ “хавога учган”. Янги ўқув йили яқинлашаётгани сабабли, оила бошлиғи тўлов қилиш учун уйда йиғиб қўйган маблағни сўраганида сир фош бўлган...

Афсус, фирибгарлар тузоғига тушиб қолаётган бундай оилалар сони кам эмас. Қўшни маҳаллада шу ойнинг охирига мўлжалланган тўй номаълум муддатга қолдирилди. Чунки жонадон эгаси тўйга аталган маблағни тўй муддати келгунча кўпайтириб олам, деб ўйлаб, молия-

вий пирамидалардан бирига тикиб юборган ва чув тушган. Буниси ҳали ҳолва, текин даромад илинжида бор-будини, машинасини, қорамолу кўй-эчкисини сотиб бундай молиявий пирамидаларга аъзо бўлганлар қанча?!

Электрон молиявий пирамидани аччиқ оқибатларига “Parker”, “Golden Cash Store”, “MetaGO” мисолида гувоҳ бўлдик. Бирок шунга қарамадан юртимизда “Whats”, “Aif” платформалари оммалашиб бораётгани ташвишланарлидир. Ушбу дастурларнинг ишлаш принципи ҳам деярли бир хил: рўйхатдан ўтасиз, пул тикасиз, ҳар кун топширққ сифатида берилган видеоларни кўрасиз ва лайк босиш орқали пул йиғасиз. “Aif” дастурида пирамидида иштирокчиси учун қиймати 50, 70, 200, 250, 500, 1000, 21000 USDT (1 USDT тахминан 1 АҚШ долларига тенг) бўлган пакетларни сотиб олиш таклифи этилади ва 75 кун давомидида тиккан маблағингизни 3 баробар қилиб кўпайтириб бериш ваъдаси берилади. Асосийси, молиявий пирамидида тепасидида аъзоларга даромад пирамидида янги жалб этилаётган аъзолар тиккан пул маблағлари ҳисобидан ечиб берилади. Агар янги аъзолар қўшилиши камайса, пирамидида қулай бошлади ва бу пайтда

ташкilotчилар томонидан турли ақциялар ўтказилади, ҳар хил бонуслар берилади. Денгиздаги йирик муз бўлаги — айсбергга эътибор берган бўлсангиз, унинг кичик бир қисми сув юзасида, асосий қисми эса сув остида бўлади. Молиявий пирамидида ҳам худди шундай: пирамидида учидидаги аъзолар қандайдир фойда олади, кўпчилик эса айсбергнинг сув остидаги қисми каби “чўқади”.

Хўш, молиявий пирамидида шаклидаги фирибгарлик турига тушиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Мутахассислар фикрича, молиявий пирамидани характерловчи куйидаги хусусиятлар мавжуд:

- молиявий пирамидида ташкил қилган компания фуқаролардан пул жамғаруви фаолият билан шуғулланиши ҳақида тегишли лицензияга эга бўлмайди;
- ташкilot фаол рекламада бўлади ва бозор даражасидан анча банд даромадни ваъда қилади;
- пирамидида жалб этилган ҳар бир мижоз ҳисобидан фойда ундириб берилиши ваъда қилинади ва шу орқали имкон

қадар кўпроқ одам фирибгарлик турига тортилади; — пулли ўтказмаларни қандайдир электрон ёки криптоҳамга юбориш сўралари ва киритилган пуллар айнан қаерга кетишини билишини имкони йўқ; — компания сайтида на телефон рақами, на электрон почта манзили, на почта манзили кўрсатилади. Иштирокчи фақат чатлар ёки мессенжерлар орқали операторлар билан боғланиши ва қайта алоқага чиқишларини айтиши мумкин.

Ачинарлиси, айрим “уддабурунлар” жойларда молиявий пирамидида ташкил этган компанияларнинг гўёки “офис”ларини очиб, фуқароларни бу ноқонуний фаолиятга жалб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 188-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Шу ўринда халқимизнинг доно мақоли яна эсга келади: “Текин пишлоқ қопқонда бўлади”. Эҳтиёт бўлинг, кейинги бекатлардан бирида тўр, албатта, тортилади!

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Орол денгизи ҳавзаси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги

Танлов эълон қилади

Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Орол денгизи ҳавзаси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, 3-босқич” доирасида ўтказилаётган “Лойиҳанинг мақсадларига эришиш йўлидаги прогресс бўйича мониторингнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун жорий вазиятни баҳолаш” юзасидан №1TQ/NWRMP-2024-7 сонли танлов эълон қилади.

Танловда замонавий сув ҳўжалиги усуллари бўйича социологик ва фундаментал тадқиқотлар ўтказиш тажрибасига эга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва сув ҳўжалиги тизимини чуқур англаган ҳамда шу каби ўхшаш тадқиқот методологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда уни муваффақиятли ўтказиш бўйича тасдиқланган ютуқлар рўйхати эга бўлган маҳаллий ташкilotлар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашишга доир тўлиқ ҳужжатлар тўпламини танловда иштирок этиш ҳақидаги ёзма аризаларни топширганган сўнг олиш мумкин.

Раҳбар томонидан имзоланган, ташкilot сарварағидаги аризалар куйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси,
100187, Тошкент шаҳри,
Қорасув-4 мавзеси, 11-уй, 5-қават;
Телефон: 93- 550-72-01.
Электрон почта манзили: info@nwrmp.uz

Қатнашишни хоҳловчиларнинг ёзма аризасида куйидаги маълумотлар бўлиши зарур: ташкilotнинг тўлиқ номи, почта манзили, телефон рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш. ҳамда масъул шахснинг электрон почта манзили.

Танловда иштирок этишга доир тўлиқ ҳужжатлар тўплами электрон почта орқали йўланади (унинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб келиши эҳтимоли учун агентлик жавобгар ҳисобланмайди).

Танловда қатнашиш таклифлари солинган ва муҳрланган конвертлар 2024 йил 25 сентябрь кuni Танлов вақти билан соат 12:00 гача тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти жамоаси акадeмик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Сайёра Шарофова Рашидова ва унинг оила аъзоларига уқаси

Илҳом РАШИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Кейинги етти йилда мактабгача таълим тизимида қамров даражаси 27 фоиздан 74,6 фоизга кўтарилди.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 942. 12 918 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни текшириш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Н. Остонов. МУСАҲҲИХ — С. Исломов. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.26 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6